



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziyo ko'chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «25» июль

VI-31-47-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 январдаги ПФ-5633-сонли Фармонининг вилоятдаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудирининг ахбороти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири А.Эшмуратовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5633-сонли Фармонининг вилоятдаги ижроси бўйича ахборотини тинглаб, билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши қарор қиласин:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири А.Эшмуратовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5633-сонли Фармонининг вилоятдаги ижроси бўйича ахбороти маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Термиз шахри, Термиз, Бойсун, Музработ, Шўрчи ва Ангор туманларида мурожаатлар худудларда яшовчи ҳар ўн минг аҳолига нисбатан кўриб чиқилганда, мурожаатлар сони ортганлигини ҳисобга олиб, ушбу туман ва шаҳар ҳокимлари огоҳлантирилсин ҳамда мурожаатлар билан ишлашда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни талабларига риоя қилган ҳолда ишларни янада яхшилаш лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Аҳоли томонидан энг кўп масалаларда келиб тушаётган мурожаатлар:

Сурхондарё вилояти Маҳалла ва оиласаларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ф.Тайров);

Сурхондарё вилояти Бандлик бош бошқармаси (С.Жумаев);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (Х.Нормаматов);

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси

Сурхондарё вилояти бошқармаси (А.Худоёров);

Сурхондарё вилояти худудий электр тармоқлари корхонаси (М.Шамсиддинов);

“Худудгаз” Сурхондарё МЧЖ (М.Мансуров);

“Сурхондарё сув таъминот” МЧЖ (Б.Гулямов)ларга тўғри келаётганлиги инобатга олиниб, ушбу идора ва ташкилот раҳбарлари ҳар бир мурожаатнинг сифатли қонуний асослантирилган ҳолда бажарилишини таъминлаб, ижобий ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратсин.

4. Термиз шаҳар ва барча туман сектор раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун талаблари бўйича мурожаатларни қўриб чиқиш, такорий мурожаатларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ишчи гурухи тузиб, ўрганиш ҳамда мурожаат кўп келиб тушаётган жойлар таҳлил этилиб, ушбу худудларда сайёр қабуллар ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратиш;

ижтимоий масалалар, жумладан, уй-жой коммунал, йўл, энергия, сув ва иссиқлик таъминоти, ижтимоий муҳофазанинг манзиллилиги, ижтимоий соҳа обьектлари, энг аввало, соғлиқни сақлаш, таълим ҳамда бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

аҳоли учун долзарб муаммолар мавжуд бўлган барча худудларда, айниқса, ижтимоий-иктисодий ривожланиши паст бўлган оғир худудлар, олис, чекка, чегараолди қишлоқлар ҳамда турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган маҳаллаларда ишчи гуруҳлар ташкил этган ҳолда ўрганишлар ўтказиш ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича ишларни тизимли равишда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сонли қарори 3-банди ва 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сонли қарори 16-бандида сектор раҳбарларига белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ишларни яхшилаш;

ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш ҳамда касбга ўқитиш, имтиёзли кредит маблағларини ажратиш каби жиҳатларга эътиборни кучайтириш орқали ёшларнинг бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини тўлиқ ва сифатли амалга ошириш ва карантин қоидаларига риоя этган ҳолда жойларда белгиланган режа графикка асосан ёшлар билан учрашув ҳамда сайёр қабуллар ўтказиш амалиётини кучайтириш вазифалари юклатилсин.

5. Вилоят ҳокимлигининг Ахборот хизмати (З.Тўраев) вилоят телерадиокомпанияси (Б.Мингбоев), “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари

бирлашгпн таҳририяти (Х.Тангиров) билан биргаликда вилоятни комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича ҳудудлардаги секторлар фаолиятини ҳамда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишига алоқадор корхона ва ташкилот раҳбарлари томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни танқидий ёритиб борсин.

6. Юқоридаги барча бандлар ижроси юзасидан тегишли мансабдор шахслар томонидан ҳар чорак юкунида ҳалқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига ёзма ахборот киритиб бориш таъминлансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш ҳалқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Холлиева) зиммасига юклансин.

8. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.